



SCIENTIFIC AND THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE CONCEPT OF PROSECUTORIAL SUPERVISION OVER THE IMPLEMENTATION OF COMPETITION LAW

Kayumov Umid Ismatullayevich

Prosecutor's Office of Tashkent Region

senior prosecutor of the department

umid9449@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17340461>

ARTICLE INFO

Received: 05st October 2025

Accepted: 10th October 2025

Online: 13th October 2025

KEYWORDS

Anti-competition, competition,
legislation, enforcement,
prosecutorial oversight,
subjects, specially authorized,
body, general oversight,
economic sphere.

ABSTRACT

This article analyzes issues related to the scientific and theoretical foundations of the concept of prosecutorial oversight over the implementation of competition law. The article also examines the opinions and considerations of scholars related to the concept of prosecutorial oversight over the implementation of competition law, and provides relevant proposals and recommendations.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ПОНЯТИЯ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА ЗА ИСПОЛНЕНИЕМ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА О КОНКУРЕНЦИИ

Каюмов Умид Исмаиллаевич

Прокуратура Ташкентской области старший прокурор отдела

umid9449@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17340461>

ARTICLE INFO

Received: 05st October 2025

Accepted: 10th October 2025

Online: 13th October 2025

KEYWORDS

Антиконкуренция,
конкуренция,
законодательство,
исполнение, прокурорский
надзор, субъекты, специально
уполномоченный орган,
общий надзор, экономическая
сфера.

ABSTRACT

В данной статье анализируются вопросы, связанные с научно-теоретическими основами понятия прокурорского надзора за исполнением законодательства о конкуренции. Также в статье были изучены мнения и соображения ученых, связанные с понятием прокурорского надзора за исполнением законодательства о конкуренции, и даны соответствующие предложения и рекомендации.

РАҚОБАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ТУШУНЧАСИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ



Каюмов Умид Исматуллаевич

Тошкент вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори

umid9449@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17340461>

ARTICLE INFO

Received: 05st October 2025

Accepted: 10th October 2025

Online: 13th October 2025

KEYWORDS

Антирақобат, рақобат,
қонунчилик, ижроси,
прокурор назорати,
субъектлар, махсус
ваколатли, орган, умумий
назорат, иқтисодий соҳа.

ABSTRACT

Мазкур мақолада рақобат тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тушунчасининг илмий-назарий асосларига доир масалалар таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада рақобат тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тушунчаси билан боғлиқ олимларнинг фикри ва мулоҳазалари ҳам ўрганилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан рақобатни чекловчи келишувлар, жумладан, картель келишувлари ва мувофиқлаштирилган антирақобат ҳаракатлар тузиш билан боғлиқ антимонополия қонунчилиги бузилиш ҳолатлари ортиб бормоқда¹.

Айни пайтда, ушбу соҳадаги қонунбузарликларнинг катта қисми давлат органлари томонидан амалга оширилаётгани фикрга арзидир².

Бу эса давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва махсус ваколатли орган — Ўзбекистон Республикас Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар тизимини қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Шулардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, рақобат тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати тушунчасининг илмий-назарий асосларига тўхталиб ўтамиз.

¹ Статистика заключенных антиконкурентных соглашений между хозяйствующими субъектами и осуществления антиконкурентных согласованных действий представлена по годам с указанием процентного соотношения от года к году: 2012 г. – 294; 2013 г. – 272 (92%); 2014 г. – 319 (117%); 2015 г. – 375 (117%); 2016 г. – 360 (96%); 2017 г. – 420 (114%); 2018 г. – 437 (104%); 2019 г. – 492 (113 %). Кроме того, особо выделяется проблема борьбы с картельными соглашениями, по которым представлена статистика по годам с указанием процентного соотношения от года к году: в 2012 г. – 75; 2013 г. – 148 (197%); 2014 г. – 173 (113%); 2015 г. – 219 (126%); 2016 г. – 334 (152%); 2017 г. – 360 (107%); 2018 г. – 332 (92%); 2019 г. – 424 (128%). Данные показывают ежегодное увеличение заключения картельных соглашений, за исключением 2018 г., где произошло незначительное уменьшение заключенных картельных соглашений на 8% по сравнению с 2017 г. // Приложение 8 к диссертации. Статистика выявленных нарушений антимонопольными органами

² Статистика нарушений органов власти по годам с указанием процентов от общего количества нарушений антимонопольного законодательства: 2012 г. – 5386 (53%); 2013 г. – 5346 (53%); 2014 г. – 4515 (46%); 2015 г. – 3542 (39%); 2016 г. – 1340 (33%); 2017 г. – 1075 (30%); 2018 г. – 1092 (39%); 2019 г. – 1017 (34%) // Приложение 8 к диссертации. Статистика выявленных нарушений антимонопольными органами



Қонунларни бажарилишини назорат қилиш мустақил прокурорлик йўналиши сифатида амалга оширилади ва жинойт-ҳуқуқий соҳадан ташқари ҳимоя ҳуқуқининг муҳим қисмини ташкил этади.

А.Х.Казарина фикрига кўра, прокуратуранинг умумий назоратида асосий вазифа сифатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш белгиланган бўлиб, бу жамиятнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали тўлиқ таъминлашдаги етишмовчиликларини қоплайди (<https://example.com>).

Бизнинг назаримизда, ушбу таърифлар умумий назоратнинг ҳуқуқий тизимдаги аҳамиятини тўлиқ очиб беради, аммо айрим ҳолатларда ундаги функцияларнинг амалиётдаги татбиқи ва самарадорлигини янада такомиллаштириш зарурлиги ҳам бор.

Шу билан бирга, умумий назорат ва қонунийликни таъминлашда прокурорлик фаолиятининг бошқа йўналишлари билан ўзаро мувозанатли ҳамкорлиги муҳим эканлигини ҳисобга олиш лозим. Демак, умумий назорат – бу давлат қонунчилигини таъминлашдаги асосий механизмлардан бири бўлиб, у инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлашга хизмат қилади³.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон қонунчилигида “умумий назорат” тушунчаси расман белгиланмаган бўлиб, Прокуратура тўғрисидаги Қонунда фақатгина “қонунларни бажарилишини назорат қилиш” атамаси қўлланилмоқда.

Ю.Е.Винокуровнинг фикрига кўра, қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш бир нечта асосий соҳаларга бўлинади ва шулардан бири — иқтисодий соҳа бўлиб, у мулкчилик, тадбиркорлик, давлат ва маҳаллий корхоналарни хусусийлаштириш, банк ва банк фаолияти, солиқ, ер ва инвестиция қонунчилиги, ижара ҳамда йўл-транспорт соҳаларига доир қонунларни ўз ичига олади⁴.

Иқтисодий соҳа бўйича қонунларни бажарилишини назорат қилишда монополияга қарши қонунчиликни алоҳида йўналиш сифатида ажратиш зарур, чунки тадбиркорлик, банк, ижара ва ер қонунчилари монополияга қарши қонунчилик билан чуқур боғлиқдир. Шу муносабат билан, қонунчиликдаги ушбу соҳаларнинг ўзаро алоқадорлиги ва назорат механизмларининг такомиллаштирилиши ҳақида олимлар ўртасидаги муҳокамалар ҳам мавжуд. Масалан, айрим мутахассислар иқтисодий назоратни кенгайтириш ва махсус мониторинг усуллари жорий этиш тарафдори бўлса, бошқалар назорат доирасидаги чекловлар ва ҳукуматнинг аралашувининг иқтисодий эркинликка салбий таъсирини таъкидлайдилар.

Монополияга қарши қонунчиликни назорат қилиш иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур соҳадаги қонунларнинг бажарилишини яхшилаш учун янги механизмлар ва интеграцияланган назорат тизимлари жорий этилиши керак деб ҳисоблаймиз. Бунда қонунчиликда аниқ терминлар жорий этилиши ҳам ҳуқуқий аниқлик ва

³ Казарина А.Х. Прокуратура – не камень на дороге для России. Она – «маховик всего управления» // Уголовное право. – 2001. – № 1. С. 84.

⁴ Прокурорский надзор: учебник / под общ. ред. Ю.Е. Винокурова. – М.: Юрайт, 2013. С. 118.



амалий самарадорликни оширишга хизмат қилади. Шу боис, қонунчиликдаги номутаносибликлар ва бошқа қонунлар билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш мақсадида илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш зарурдир.

Рақобат (Антимонополиялик) қонунчилиги — бу рақобатни ривожлантиришга йўналтирилган ҳуқуқий нормалар ва институтлар тизими бўлиб, у монополияларни чеклаш ва тақиқлаш, монополиявий тузилмалар ҳамда ҳаракатларнинг шаклланишини олдини олиш орқали истеъмолчини ишлаб чиқарувчи монополиясидан ҳимоя қилишни мақсад қилади⁵.

Бу тизим иқтисодий, ташкилотчилик ва бошқа чекловлар ҳамда стимуллар, жумладан солиқ ставкаларини белгилаш, кредит беришда устуворликни муайянлаштириш, монополист корхоналарда нархларни тартибга солиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, адолатли рақобатни рағбатлантириш ҳамда ҳуқуқий жазоларни қўллаш каби механизмларни ўз ичига олади. Прокуратура мазкур қонунчиликнинг бажарилишини назорат қилишда мулк, ер, тадбиркорлик, бюджет, солиқ, банк, валюта, божхона, меҳнат, уй-жой ва рақобат соҳаларидаги қонунларнинг ижросини текшириб, жиноят жавобгарлигига олиб келувчи қонунбузарликларни аниқлаш ва олдини олишга асосий ҳуқуқий баҳоларни беради.

Прокурор назорати иқтисодий рақобат муҳитини муҳофаза қилишда ва монополияларга қарши курашда муҳим роль ўйнайди. Рақобат қонунчилиги фақат назарий нормалардан иборат бўлиб қолмай, балки уларнинг самарали амалга оширилиши учун прокуратуранинг мустаҳкам ва тизимли назорати ҳам зарур, чунки бу механизмларсиз ҳуқуқий ҳимоя чуқур ва тизимли бўлмайди ҳамда азарий ёндошувларда прокуратуранинг ролини кам баҳолаш ҳолатлари учрайди, лекин амалиёт шуни кўрсатадики, у ҳуқуқий назоратнинг марказий элементи саналади. Шу нуқтаи назардан, антимонополия қонунчилигини такомиллаштиришда прокурорлик назорати функциясини янада ривожлантириш муҳим ҳисобланади⁶.

Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти қонунлар ижросини назорат қилиш бош бошқармаси таркибида фаолият юритувчи Иқтисодиёт соҳасидаги қонунлар ижросини назорат қилиш бошқармаси, замонавий талабларга мос равишда, қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган комплекс прокурорлик назоратини амалга ошириб келмоқда. Ушбу тузилма, анъанавий вазифалар қаторида, мулк ҳуқуқи, ер муносабатлари, уй-жой-коммунал хизматлар, банк, солиқ, бюджет ва айниқса антимонопол қонунчилик ижроси устидан самарали назоратни таъминлашга алоҳида эътибор қаратади.

⁵ Рыжаков А.П. Правоохранительные органы: учебник для вузов. 4-е изд. // подготовлен для СПС «КонсультантПлюс», 2015 [Электронный ресурс]. URL: www.consultant.ru (дата обращения: 20.12.2018)

⁶ Прокурорский надзор за исполнением законодательства в сфере экономики: сб. методич. материалов; Ген. прокуратура Рос. Федерации; Акад. Ген. прокуратуры Рос. Федерации. — М., 2010. С. 7.



А.В.Паламарчук таъкидлаганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин ўсиши билан боғлиқ шароитда прокуратура органларининг антимонопол назорати, нарх келишувлари ва сунъий қимматлаштиришларга қарши чоралар кўриш фаолияти долзарблик касб этмоқда (www.consultant.ru). Иқтисодий барқарорликка сезиларли хавф солар экан, прокуратуранинг бевосита бозор механизмларига аралашуви эҳтиёт ва ҳуқуқий чегаралар доирасида амалга оширилиши лозим. Бизнинг фикримизча, айрим олимлар, жумладан, антимонопол назоратни кенг маънода талқин этиб, уни деярли ҳар қандай иқтисодий муаммонинг ечими сифатида кўради аммо бу ёндашув ҳуқуқий интервенция меъёрларини мутаносиб сақлаш заруратини камситиши мумкин. Прокурорлик мониторинги сотиш нархлари, айниқса, ижтимоий аҳамиятга молик товарлар бўйича доимий ва тизимли тарзда амалга оширилиши зарур⁷.

Шу билан бирга, ушбу назорат тадбирлари фақат жазо эмас, балки иқтисодий субъектларни ҳуқуқий хабардор қилиш ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳам хизмат қилиши керак. Шундай қилиб, прокурор назоратининг иқтисодий соҳадаги вазифалари нафақат ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш, балки бозор муносабатларининг соғлом ва рақобатбардош муҳитини шакллантиришга қаратилмоғи даркор.

Прокурор назоратининг тадбиркорлик соҳасидаги қонунийлик ижросини таъминлашдаги роли ҳуқуқий тизимнинг муҳим бўғини сифатида эътироф этилади.

З.Б. Гадаборшева таъкидлаганидек, назоратнинг асосий вазифалари – қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаш, уларни бартараф этиш, бузилган қонунийликни тиклаш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда бундай ҳолатларнинг келгусида олдини олиш бўлиши шарт. ушбу ёндашув прокуратуранинг фақат назорат эмас, балки профилактик таъсирини ҳам таъминлайдиган кенг қамровли механизм сифатида қаралишини тақозо этади⁸.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, ушбу ёндашуви маълум даражада прокуратура фаолиятининг функционал моҳиятини чеклашга олиб келиши мумкин. Муҳаққиқлар орасидаги бу каби қарама-қарши фикрлар прокуратуранинг замонавий жамиятдаги ўрнини қайта кўриб чиқиш, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий функцияларини янада аниқ белгилаб бериш зарурлигини кўрсатади. Бинобарин, прокурор назорати нафақат ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, балки тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий кафолатларни таъминловчи институционал механизм сифатида ҳам қайта бағоланиши лозим⁹.

⁷ Прокурорский надзор за исполнением законодательства в сфере экономики: сб. методич. материалов; Ген. прокуратура Рос. Федерации; Академия Ген. прокуратуры Рос. Федерации. – М., 2010. С. 15.

⁸ Гадаборшева З.Б. Предмет прокурорского надзора за исполнением законодательства в сфере предпринимательской деятельности // СПС «КонсультантПлюс» [Электронный ресурс]. URL: www.consultant.ru (дата обращения: 20.11.2018).

⁹ Казарина А.Х. Теоретические и прикладные проблемы прокурорского надзора за исполнением законов экономической направленности: дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2009. С. 192.



Рақобат – бу бозор субъектлари ўртасида ресурслар, мижозлар, бозор улуши ва фойда учун курашни англатувчи иқтисодий ва ҳуқуқий категориядир. Рақобат шароитида тадбиркорлар инновацион ғоялар, сифатли маҳсулот ва хизматлар, мижозларга қулай шарт-шароитлар орқали устунликка эришишга интиладилар. Бундай муҳит истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, нархларни оптимал даражада ушлаш, сифатни ошириш ва технологик ривожланишни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади.

Шунингдек, рақобатли усулни мақсади товар ёки молия бозорларида рақобатнинг чекланишига, шунингдек рақобат ёки табиий монополия шароитларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларни назорат қилишни амалга ошириш ҳамда уларга чек қўйиш билан боғлиқ бўлган, рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат

Рақобатнинг иқтисодий аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

Истеъмолчи манфаатларининг ҳимоя қилиниши: эркин бозорда истеъмолчиларда танлаш имконияти бўлади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириши: корхоналар рақобат туфайли харажатларни камайтиришга, ишлаб чиқаришни оптималлаштиришга мажбур бўлади.

Инновацияларни рағбатлантириш: бозорда устунликка эришиш учун янги технологиялар ва маҳсулотлар ишлаб чиқилади.

Тадбиркорлик муҳитининг жозибadorлиги: рақобатли муҳитда кичик ва ўрта бизнес тезроқ ўсади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида рақобатни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, келмоқда. Шу боис, мамлакатда рақобатни тартибга солувчи махсус ҳуқуқий база шакллантирилган.

Юқоридаги илмий қарашлар таҳлилидан келиб чиқиб, прокурорлик назоратининг предмети борасида ҳуқуқшунос олимлар ўртасида муайян илмий полемика мавжуд эканини кўриш мумкин.

Масалан, В.Г. Розенфельд ўз тадқиқотларида прокурор назоратининг предмети сифатида фақатгина қонунларнинг ижро этилиши ҳолатларини белгилаб, назорат объектини тўғридан-тўғри поднадзор органлар фаолияти билан боғлайди¹⁰.

Бошқа томондан, А.Ю. Винокуров бу масалага кенгроқ ёндошиб, прокурор назоратининг предмети жамиятдаги ҳуқуқий муносабатлар доирасида қонунийликни таъминлашга қаратилган фаолият сифатида талқин қилади; назаримизда, мазкур ёндашув тизимли ва мазмунан мукамалроқдир, чунки у прокурорлик фаолиятининг жамиятдаги таъсирини кенг қамраб олади¹¹.

¹⁰ Розенфельд В.Г. Прокурорский надзор за соблюдением законов о предпринимательской деятельности и защите прав потребителей. – Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 1996. С. 45.

¹¹ Винокуров А.Ю. Научно-практический комментарий к Федеральному закону «О прокуратуре Российской Федерации» (постатейный): в 2 т. Т. 1. – М., 2016. С. 175.



Шу билан бирга, А.Д. Берензон назорат предмети уч хил даражада — умумий, родовой ва развернутый шаклларда — кўриб чиқади, бу эса назарий классификация нуқтаи назаридан долзарб аҳамиятга эгадир. Берензонга кўра, умумий предмет — барча давлат ва жамоат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий актлари ва ҳаракатларининг қонунийлигини, родовой предмет эса фақат аниқ давлат фаолияти соҳаларидаги қонунийликни қамраб олади. Развернутый предмет эса, унинг фикрига кўра, вазирликлар, идоралар, уларга қарашли корхоналар, ижро этувчи органлар ва мансабдор шахсларнинг барча турдаги ҳуқуқий актлари, оғзаки ва ёзма кўрсатмалари, шунингдек, уларнинг фаолиятсизлиги устидан назоратни ўз ичига олади.

Бизнингча, Берензоннинг мазкур тавсифи назарий жиҳатдан тўлиқ ва амалиёт нуқтаи назаридан қўлланишга яроқли бўлиб, прокурорлик назоратининг институтчионал чегараларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Аммо, айрим мутахассисларнинг фикрларига кўра, бундай тарқоқ таснифлар амалий фаолиятда мураккабликлар келтириб чиқариши мумкин, шу боис қонунчиликда прокурорлик назоратининг аниқ ва ягона таърифи ҳуқуқий аниқлик нуқтаи назаридан зарур ҳисобланади¹².

Ушбу масала юзасидан белгиланган меъёрий-ҳуқуқий асосларга мувофиқ, прокурорлик назоратини ташкил этишда рақобатни чекловчи ва монополияга қарши қонунчиликни бузиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда бартараф этишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги белгиланган бўлиб, бу жараёнда тегишли ваколатли антимонополия органлари билан ҳамкорлик асосий шарт қилиб қўйилган.

Прокуратура органлари фаолиятида антимонополия қонунчилигининг ижроси устидан назорат ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим устувор йўналиш сифатида қаралиши керак бу фақатгина хўжалик юритувчи субъектлар эмас, балки давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳам бу соҳадаги мажбуриятларига тааллуқлидир. Қонунчиликдаги тизимли асослардан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳасидаги қонунларнинг ижроси устидан назорат прокурорлик назоратининг алоҳида мустақил тармоғи сифатида III бобда мустақамланган бўлиб, мазкур йўналишдаги назоратнинг муҳимлиги Бош прокуратуранинг буйруқларида ҳам асосланган.

Ҳуқуқшунос олим А.А. Бакалиннинг фикрига кўра, бу турдаги назорат бозорда адолатли рақобат муҳитини шакллантириш билан бирга, давлат органларининг иқтисодий жараёнларга ноҳақ аралашувини чеклашга қаратилгандир, аммо биз бу нуқтаи назарга қисман қўшилмаймиз, чунки амалиётда кўп ҳолларда назорат фақат жавобгарликни таъминлашга эмас, балки ҳуқуқий таҳлилий ва профилактик воситага айланиши керак. Анкеталаштириш натижаларига кўра, прокуратура ходимларининг 76,5% рақобат қонунчилиги ижроси устидан назоратни ўз фаолиятларида муҳим деб баҳолаганлар, бу эса назаримизда, амалиётда бу

¹² Берензон А.Д. Основные направления совершенствования общего надзора прокуратуры: дис. ... д-ра юрид. наук: 12.00.02. – М., 1977. – С. 45-46.



йўналиш бўйича етарли институционал салоҳият мавжудлигини билдиради, бироқ уни янада тизимлилаштириш зарур. Шу нуқтаи назардан, прокуратура ва антимонополия органлари ўртасидаги ҳамкорлик механизми ҳуқуқий, ташкилий ва амалий жиҳатдан янада самарали ва қатъий асосларда ривожлантирилиши шарт, зеро бу нафақат иқтисодий барқарорлик, балки ҳуқуқий давлат пойдеворини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади¹³.

Прокурорлик назорати давлат назоратининг мустақил, барча соҳаларни қамраб олувчи ва бошқа барча назорат органларидан устун бўлган шакли сифатида намоён бўлади. Унинг устувор жиҳати шундаки, прокуратура ўз фаолиятини маҳаллий идоралар ва соҳавий манфаатлар таъсиридан холис ҳолда амалга оширади ҳамда «давлат назоратининг тизим ҳосил қилувчи ядроси» сифатида эътироф этилади.

Прокуратуранинг ушбу ўрни унинг ҳуқуқий муносабатларнинг деярли барча соҳаларида чексиз текширув ваколатига эга эканлиги билан боғлиқ бўлиб, бу хусусият бошқа назорат органларида мавжуд эмас — улар фақат ўз ваколатлари доирасидаги соҳалардагина фаолият юритиши мумкин. Шу боисдан, прокуратура органлари ҳуқуқий бошқарувда универсал ва устувор субъект ҳисобланади.

Профессор В.А. Четверниннинг таъкидлашича, прокурорлик назорати давлатда “ҳуқуқ устуворлигини таъминловчи марказлашган механизм” сифатида хизмат қилади, зеро амалда унинг ваколатлари баъзи соҳаларда бошқа назорат органлари билан функционал тўқнашувларга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, прокурорлик назорати бошқа давлат назорати органларини алмаштирмайди, балки уларнинг фаолиятида қонунийлик кафолатини таъминловчи қўшимча механизм вазифасини ўтайди.

Бинобарин, прокуратура органлари ўз диққат-эътиборини идоралараро назорат органлари томонидан аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича ўз вақтида, қонуний ва етарли чоралар кўрилишини таъминлаш, шунингдек, айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масалаларига қаратмоқлари лозим. Бизнинг фикримизча, бу ёндашув фақат ҳуқуқий тизим барқарорлигини эмас, балки давлат бошқарувининг шаффофлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалдаги кафолатларини ҳам мустаҳкамлайди¹⁴.

Прокуратура органи Конституция ва қонунларнинг ижросига назорат қилиш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, шунингдек бошқа муҳим функцияларни амалга оширишдан иборат бўлган ягона марказлашган тизимни ташкил этади. У прокуратура органларининг мустақил давлат-ҳуқуқий институт сифатидаги ролини аниқлаш ва уларнинг антимонополия назорат органлари, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий самоуправления органлари билан қатъий фарқини белгилаш муҳимдир.

¹³ Проводилось на факультете профессиональной переподготовки и повышения квалификации Университета прокуратуры Российской Федерации. См. приложение 1 к диссертации.

¹⁴ Бессарабов В.Г. Прокуратура в системе государственного контроля Российской Федерации: дис. ... д-ра юрид. наук: 12.00.02; 12.00.11. – М., 2001. – С. 83–86



Хулоса қиладиган бўлса, *прокурорлик назорати*, ўз навбатида, ушбу органларнинг фаолиятидаги қонунийликни таъминлашда қўшимча кафолат ҳисобланиб, уларнинг давлат назоратига бўлган масъулиятларини алмаштирмасдан ёки уларни ўрнини босмасдан, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Прокурорлик назоратининг ўзига хос вазифаси – бу қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғри ва мувофиқ амалга оширилишини таъминлашдир, яъни уларнинг мазмуни ва шакли юридик жиҳатдан тўғри ва қонунга мувофиқ бўлишини текширишдир. Бу акти ҳал қилиш, ўзгартириш ёки бекор қилиш каби ҳуқуқий муносабатларни туғдирадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиши мумкин. Ушбу ҳужжатлар субъектлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик фаолиятининг муҳим қисми ҳисобланади.